O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 4 апрель, № 63 (3862) Сешанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг амалдаги раиси, Бельгия Қироллиги ташқи ишлар вазири Карел де Гюхтни қабул қилди.

— Сиз нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Бельгия ташқи ишлар вазири сифатида ҳам Ўзбекистонга ташриф буюрдингиз, — деди Ислом Каримов. — Бу мамлакат билан муносабатларимиз доим яхши бўлган. Сизнинг ташрифингиз Ўзбекистондаги ва бутун Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда бу ерда кечаётган жараёнлар билан яқиндан танишиш учун қулай имкониятдир.

Бельгия ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Карел де Гюхт ЕХҲТнинг амалдаги раиси сифатида илк бор Ўзбекистонга расмий ташриф буюрди. У мазкур лавозимда жорий йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда.

Халқаро сиёсий ва иқтисодий майдонда энг аҳамиятли марказлардан саналган Бельгия Қироллиги Европа ва Трансатлантика институтларида муҳим ўрин тутиб келмоқда. Бельгия мамлакатимизга минтақадаги етакчи давлат сифатида қарайди ва Марказий Осиё билан муносабатлар доирасида Ўзбекистон билан ҳамкорликка устувор аҳамият қаратади. Айни чоғда Бельгия Ўзбекистоннинг Европадаги энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан.

ЕХҲТга жорий йилда Бельгия Қироллиги раислик қилмоқда. Бу даврда ташкилотга аъзо давлатларда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ЕХҲТни ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва экология масалаларига эътиборни кучайтириш орқали ушбу тузилма фаолиятида мутаносибликни таъминлаш, транспорт коммуникациялари соҳасида ҳамкорлик, уюшган жиноятчиликка қарши кураш каби масалалар устувор этиб белгиланган.

Карел де Гюхт Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ва ўзаро ҳурмат асосида алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканлигини билдирди. Самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Бельгия ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ҳамда мамлакатимиз билан ЕХҲТ ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

СУРАТДА: қабул пайти. **Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Э.Р.Шоисматовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тасдиқлаш тўғрисида

Эргаш Раҳматуллаевич Шоисматов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тасдиқлансин ҳамда унга машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, шунингдек, стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик захиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ў.Т.Султоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўткир Тўхтамуродович Султонов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан ҳамда машинасозлик, қора ва рангли металлургия, нефть ва газ, геология, электроэнергетика, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, стандартлаштириш ва метрология, давлат ва сафарбарлик захиралари тармоқларига раҳбарлик қилиш вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 апрель.

Муваффақиятли ва самарали ташриф

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Корея Республикасига буюрган давлат ташрифини хорижий оммавий ахборот воситалари кенг ёритди ва ҳамон уни шарҳлашда давом этмоқда.

«Би-Би-Си» (Британия) ўз шарҳида Сеулдаги музокараларнинг асосий мавзуи — икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқиш, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолаш эканини қайд этди.

«Ассошиэйтед Пресс» агентлиги Жанубий Корея Президенти Но Му Хённинг мазкур саммит иқтисодий соҳада янада кўпроқ аҳамият касб этиб бораётган Корея дипломатиясининг Марказий Осиё минтақасидаги қирраларини кенгайтириш учун муҳим қадам бўлгани хусусидаги сўзларини келтиради.

«Вашингтон Таймс» газетаси иқтисодиётга доир икки томонлама ҳужжатларнинг катта тахламидан ташқари «икки мамлакат президентлари турли соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш, шунингдек, БМТ сингари халқаро ташкилотлар доирасида биргаликда ҳаракат қилиш мақсадида стратегик шериклик тўғрисидаги битимни имзолашгани»га ўз ўқувчилари эътиборини қаратди.

«Синьхуа» агентлиги икки давлат раҳбарларининг кўплаб халқаро масалаларга ёндошуви ўхшаш эканини қайд этиб, Ўзбекистон Корея Республикаси ташқи ишлар ва савдо вазири Бан Ки Мунинг номзоди БМТ Бош котиби лавозимига кўрсатилишини қўллаб-қувватлаётганини эслатиб ўтади. Агентлик, шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг Жанубий кореялик шериклар билан биргаликда барпо этилган автомобиль заводи тўғрисида «у ҳозир нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам машҳур, унинг маҳсулоти айни пайтда МДҲ ва дунёнинг кўплаб бошқа мамлакатларида харидоргирдир», деб айтган сўзларини келтиради.

«Франс Пресс» агентлиги Сеул билан Тошкент энергетика ва минерал захиралар соҳасини ҳамкорликда ривожлантириш тўғрисида муҳим келишувга эришганини таъкидлади. «Корея Республикаси компаниялари тоғ-кон саноатининг нефть, газ, уран ва бошқа минерал захираларни қазиб олиш соҳасини ривожлантириш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлди. Имзоланган битимлар Корея Республикаси нефть корпорациясига жорий йилнинг олти ойи давомида Ўзбекистоннинг шарқий ҳудудида дастлабки геологияқидирув ишларини амалга ошириш имконини беради», деб ёзади у.

«Рейтер» агентлигининг баҳолашича, имзоланган битимлар «табиий захираларга бой бўлмаган Жанубий Кореяга бу каби захираларга сероб бўлган Марказий Осиёдан углеводородлар келтирилиши таъминланишига кўмаклашади. Битимлар, шунингдек, Тошкентнинг Шарқ мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган айни пайтдаги йўналиши манфаатларига мос келади».

Россиянинг «Интерфакс» агентлиги тарқатган «Жанубий Корея ўрта таълим соҳасини ривожлантириш учун Ўзбекистонга 30 млн. доллар кредит берди» сарлавҳали хабарда қуйидагича ёзилади: «Кредит маблағлари 30 йил муддатга берилди, унинг 10 йили имтиёзли давр ҳисобланади. Ажратилган маблағ Ўзбекистоннинг ихтисослашган профессионал коллежлари учун ўқув жиҳозлари, компьютер техникалари харид қилиш, Интернетдан фойдаланиш имкониятини ташкил этиш, шунингдек, инженер-педагог кадрларни ўқитиш мақсадларига йўналтирилади. Ўзбекистонда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича 2004-2009 йилларга мўлжалланган Миллий дастур қабул қилинган. Унинг умумий қиймати 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Республика ҳукумати томонидан таълим соҳасига жалб этилган сармоя ҳажми эса 370 миллион доллар».

Сингапурда чоп этиладиган «Интернэйшнл ойл дэйли» нашрининг баҳо беришича, Жанубий Кореяда Ўзбекистон иқтисодиётида жадал суратлар билан ривожланаётган энергетика соҳасига мустаҳкам боғланиш мақсади мавжуд ва ташриф давомида имзоланган ҳужжатлар айнан энергетика соҳасига йўналтирилгандир. Шу ўринда Корея нефть корпорацияси ходимининг устувор хорижий лойиҳаларни амалга ошириш борасида Марказий Осиё ўта муҳим минтақалардан бири ҳисобланиши тўғрисидаги фикрларини келтиради.

Мисрнинг кўплаб араб мамлакатларида тарқатиладиган «ал-Аҳром» ва «ал-Мустақбал» номли етакчи газеталари ўз ўқувчилари эътиборини Ўзбекистоннинг БМТ Бош котиби лавозимига Корея Республикаси номзодини қўллаб-қувватлаётганига қаратди. Мисрлик экспертлар фикрича, Кореянинг Ўзбекистондаги сармоялари ҳажми Мисрга киритилган шундай капитал кўрсаткичларидан юқори эканлиги Сеул ташқи сиёсати йўналишида Тошкент тутадиган ўриндан далолат беради.

«Жаҳон» АА.

Партия фракцияларида

Қонун лойиҳалари муҳокама этилди

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик, "Миллий тикланиш" демократик ҳамда Халқ демократик партияларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда қуйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда партия фракциялари фаолиятига оид масалалар муҳокама этилди.

Партия фракциялари аъзолари йиғилиш аввалида мамлакатимиз Президентининг шу йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳақида сўз юритдилар.

Таъкидлаб ўтилганидек, Қарорнинг асосий мақсади — аҳолини, айниқса, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратишдир. "Адолат" СДП фракцияси ҳамда Халқ демократик партияси аъзолари ушбу Қарорнинг ҳаётга татбиқ этилишида ҳамда унинг амалга оширилишида керак бўладиган вазифалар хусусида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси аъзолари мунозарани "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини муҳокама этишдан бошлашди. Муҳокама жараёнида қонун лойиҳасидаги айрим ўринларга аниқлик киритилди ҳамда эътирозга сабаб бўладиган саволларга атрофлича жавоб олинди.

Шунингдек, партиялар фракцияларида қуйи палата муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган ҳужжатлар кўриб чиқилди. Хусусан, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ва Уй-жой кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва бошқа қонун лойиҳалари фракцияларда қизғин муҳокама этилди.

Барча масалалар юзасидан билдирилган фикрлар, кўриб чиқилган масалалар бўйича зарур тавсиялар берилди ҳамда хулосалар тайёрланди.

Зиёда АШУРОВА.

нинг корхоналари ва объектлари, кинолаштириш объектлари, шунингдек кутубхоналар ва ўқув залари;

27) соғлиқни сақлаш муассасалари;

28) ветеринария хизмати, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати корхоналари ва муассасалари;

29) ногиронлар, қариялар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифалари қаровда бўладиган уйлар ва интернатлар;

30) болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг соғломлаштириш муассасалари;

31) маросимлар ўтказиш бўйича хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар».

2-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган **«Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида»**ги 119—I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, №9, 194-модда);

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 82—II-сонли Қонунининг **XX бўлими** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил №5–6, 153-модда).

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 апрель.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2006 йил

Қирқиш чизиғи

рувчи корхоналар ва объектлар;

8) қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, ҳимоя воситалари, ҳарбий техника, эҳтиёт қисмлар, бутловчи қисмлар ва улар учун асбоб-ускуналар, портловчи моддалар, пиротехника маҳсулотлари, шунингдек уларни ишлаб чиқариш учун махсус материаллар ва ускуналар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар;

9) овчилик ва спорт соҳасида фойдаланиладиган ўқотар қуроллар ва ўқ-дорилар, шунингдек тиғ қурол (совға тарзидаги миллий пичоқлар бундан мустасно) ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

10) кучли таъсир этадиган заҳарлар, гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар ишлаб чиқарувчи, шунингдек таркибида гиёҳвандлик моддалари ва заҳарли моддалар бўлган экинлар экувчи, етиштирувчи ва уларга қайта ишлов берувчи корхоналар;

11) Ўзбекистон Республикасининг давлат захиралари. Фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик мақсадидаги объектлар ҳамда мол-мулк;

12) атом энергетикаси объектларини (ускуналари, тизимлари ва аппаратларини ўрнатиш) ва стратегик аҳамиятдаги объектларни қуриш ва монтаж қилиш ишларини олиб бориш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлашни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар ва ташкилотлар;

13) портлаш хавфи бўлган ва заҳарли моддаларни ташишни амалга оширувчи ихтисослаштирилган корхоналар;

14) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари. Ҳарбийлаштирилган автоколонналар;

15) санитария-эпидемиология станциялари. Суд-тиббий экспертизаси бюролари. Атроф-муҳит ҳолатини назорат қилувчи ҳамда табиатни муҳофаза қилувчи хизматлар;

Буклаш чизиғи

16) даволаш-ишлаб чиқариш устахоналари, жазони ижро этиш муассасаларининг корхоналари;

17) махсус вазифаларни бажарадиган корхоналар (Республика махсус алоқа узели, 15361 рақамли Ҳарбий қисм, Электромагнит мослик маркази);

18) қабристонлар.

3. Қуйидаги давлат мулки объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади (ушбу Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно):

1) асосий фондларининг баланс қиймати (2005 йил 1 январь ҳолатига кўра) бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган корхоналар;

2) қимматбаҳо, нодир металлар, қимматбаҳо тошларни кавлаб олиш ҳамда қайта ишлаш корхоналари;

3) саноатнинг таянч тармоқлари: ёқилғи-энергетика, кончилик, машинасозлик ва пахтани қайта ишлаш мажмуаларининг корхоналари ва ташкилотлари. Нефть, газ ва кўмир қазиб чиқариш, қудуқлар бурғулаш корхоналари ва ташкилотлари. Магистрал нефть қувурлари ва газ қувурлари, нефть маҳсулотларини оқизма ҳолда етказиб берадиган қувурлар, электр ва иссиқлик ҳосил қилувчи станциялар ва ҳудудий қозонхоналар, тизим ҳосил этадиган электр тармоқлари. Автомобилларга ёнилғи қуйиш ва газ тўлдириш станциялари;

4) кимё корхоналари (гербицидлар, минерал ўғитлар, синтетик толалар, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашда ишлатиладиган заҳарли кимёвий дорилар ва шу кабиларни ишлаб чиқариш);

5) фармацевтика саноати ҳамда тиббий-биологик дори-дармонлар саноати корхоналари;

Сенатор сўз сўрайди

УЙҒОНИШ ФАСЛИНИНГ СЕВИНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Эркин ВОҲИДОВ

Гулдан кўйлак кийиб, юртим боғу чаманларини чечак ва нурларга кўмиб, кўнгилларга сурур ва илиқлик солиб келган фасли баҳор, қимирлаган жон борки, ҳаракатга келтириб ўлкамда ҳукм сурмоқда.

Ота-боболаримиз Наврўзи олам келганда шукроналик билан бир ортга қараб, ўтган йилнинг сарҳисобини қилганлар.

Юртимнинг баҳордан баҳоргача босиб ўтган йўлига қарасам, йилдан йил кўрк очаётган шаҳару қишлоқлар, юзлаб чақирим равон кўчаю магистраллар, қад кўтараётган иншоотлар кўз олдимга келади.

Янгиланиб бораётган турмуш тарзимиз, онг ва тафаккурдаги ўзгаришларни ўйлайман. Айтиш мумкинки, жамиятимиз ўзи баҳор мавсумини, уйғониш, янгиланиш, интилиш даврини бошдан кечирмоқда.

Баҳорнинг севинчи ва ташвиши, "оғиз кўкка етди"си ва "илик узилди"си, тумов кучқоғи ва ҳаётбахш шуълалари бор. Энг муҳими, баҳор яхши ниятлар фасли, ҳар бир куртагида эртанинг умиди ва ишончи бўртиб турган фасл.

Баҳордан баҳоргача кечган ҳаётимизда белгили ҳодиса – мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлагани бўлди. Олий Мажлис Сенати ўз фаолиятининг биринчи йилини сарҳисоб қилди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида нутқ сўзлаб, нафақат сенаторлар, балки жамиятимизнинг барча тизимлари ва табақалари учун алоқадор, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида ғоят долзарб бўлган масалаларни ўртага ташлади. Кенг қамровли, теран таҳлилий бу нутқда бир қанча кескин, оғриқли сўзлар ҳам айтилди. Барча сенаторлар қатори Юртбошимиз нутқини тинглаб менинг ҳам кўнглимдан ёруғ умидли ва изтиробли туйғулар кечди. Шуларни сиз муҳтарам ўқувчилар билан баҳам кўрмоқчиман.

мураккабдир. Бунинг учун ақл ва тадбир, билим ва шаҳдамлик керак, асфальтни ёриб чиқувчи ўт сингари бақувват илдиз керак. Халқимизда юз қўшчига бир бошчи, ишлаганга бир танга, рўйкорчига ўн танга, деган мақоллар бор. Ўша бир бошчи, ўша рўйкорчи бизнинг бугунги тилда — тадбиркордир.

Тадбиркор эл-юрт таянчи, халққа ризқ берувчи, бекорчиликнинг илдизини қуритиб ундан келиб чиқувчи муҳтожлик, норизолик, фиску фужурга ўт қўювчи одам.

Президентимиз саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда тадбиркор учун кенг йўллар очилган, қонуний имкониятлар яратилган. Фақат руҳиятимизда бир нарса камроқ. У нарсанинг номи хайрихоҳликдир. Мутасаддилар ҳам, оддий одамлар ҳам фақат бугунги кун билан эмас, келажакни ҳам ўйлаб яшасалар, фақат ўз уйи, ўлан тўшагини эмас, мамлакат манфаатларини тафаккур қилсалар, ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшашни қалб қонунига айлантирсалар, бундай кенг феъл эл учун кетмас давлат бўлар эди.

Озодликнинг залворли юки

Сервантеснинг машҳур "Дон Кихот" романида шундай бир лавҳа бор: соддадил олижаноб рицар Дон Кихот занжирбанд қулларни озод қилади ва кишанларини ечиб, энди сизлар банди эмас, эркин-эмин инсонсизлар, дейди. Шунда қуллар унинг оёғига йиқилиб, сен бизни халос қилдинг, энди ўзинг эгамиз бўл, дейдилар. Дон Кихот уларга эрк ва эрксеварлик маъносини уқдирмоқчи бўлади. Лекин қуллар уни англамайдилар, бизни эгамиздан айирдинг, дея даъво қиладилар. Натижа шу бўладики, Дон Кихот абгорликда қолади, ўз раҳмдиллигидан афсус ва надоматлар чекади.

Болалигимда шунчаки ҳангома бўлиб туюлган бу воқеа йиллар ўтиб замирида чуқур ҳаётий фалсафа яширинган ҳикматга айланди. Қуллик туйғуси юрагига жойлашиб қолган, бош эгиб яшаш ҳаёт тарзига айланган одамларни кўрсам, ўзининг ожизлиги ва хорлиги тўғрисида ички қаноат билан сўзлагувчиларни эшитсам, мактабдан таниш ўша лавҳа ёдимга тушади.

Юртбошимиз ғурур ҳақида, ўз қадр-қимматини билиш, қарамлик туйғусидан озод бўлиш тўғрисида такрор-такрор куйиниб гапиришлари бежиз эмас. Йўқсиллик ҳиссиётини жонларга жойлаб, инсонни эгалик ҳуқуқидан айирган, эркин сўз гуноҳи азим, бойиш жиноят саналиб, миллий ғурур ўлимга маҳкум қилинган замон тарихга айланди-ю, асоратлари қонимиздан кетгани йўқ. Шаҳру қишлоқларни янгилаш, юртни обод қилиш, ҳатто тузумни ўзгартириш ақлу ирода билан амалга ошадиган ишлар экан. Лекин онг, тафаккурнинг инқилоби мушкул экан. Бу мушкулот ёлғиз ўзбек халқининг эмас, балки биз яшаган тузумни бошдан кечирган ҳамма халқларнинг дардидир.

Бошқаларни қўятуринг, Оврупонинг айни марказида истиқомат қилувчи бир халқ — давлати, миллати, тарихи, фикрияти бир, билимдонлик, ғайрат, пухталик билан дунёга машҳур бўлган шарқий ва ғарбий олмонларни икки хил тузум қирқ йилгина вақт орасида икки тоифадаги халққа айлантириб қўйганини уларнинг ўзлари тан олиб гапирадилар. Ғарб томондан етказилаётган сон-саноқсиз миллиардларга қарамай шарқ томоннинг мажруҳ иқтисодини тиклаш осон кечмаётганини айтадилар.

Бизнинг бунақа бойвачча қариндошимиз йўқ. Ўзимизга таянч ҳам, суянч ҳам ўзимиз. Тарих елкамизга озодликнинг залворли юкини қўйган. Бундай юкни фақат ғурурли, ўктам ва собит юраклар, бир-бирига мададкор, қудратли елкалар кўтариши мумкин. Шукрлар бўлсинки, қаторида норлари бор, қонида тадбиркорлик, ғайрат, меҳнатга иштиёқ жўш уриб турган халқмиз. Озодлик юкини кўтаришга қодирлигимизни босиб ўтган йўлимиз кўрсатиб турибди. Лекин барибир, омади гапни айтганда, мутелик ҳиссиёти, журъатсизлик, юқоридан амр кутиб яшаш каби кечаги кун асоратларидан тўла озод бўлолмадик.

Муҳтарам Юртбошимизнинг бизларни фаолликка, ташаббускорликка ундовчи, лоқайдликдан қутулишга чақирувчи сўзларини онг ва қалбларимиз билан англасак, бизларни пўлат из ва темир жадвал бўйича бориб келувчи трамвайга айлантирган тузум асоратидан тезроқ қутулсак эди...

Инсон табиатининг ожизкорликлари кўп. Бир кун тонгда уйғониб энди сенга буйруқ ва кўрсатмалар берувчи, ўз иродасига кўра ишлашга мажбур қилувчининг йўқлигини билсанг, ногаҳон ўзингни қаёққа қўйишни билмай қоласан. Негаки, дунёда топшириқни бажариш, айтилган ишни қилиб ризқ териб юришдан осони йўқ. Ўзингга ўзинг хўжайин бўлиш, ўзингга меҳнат майдони яратиб, бошқаларга ҳам иш топиб бериш анчайин журъат ҳам, ташаббус ҳам, масъуллик ҳам бўлмайди. Жамиятда шундай онгни шакллантириш юрт зиёлиларининг, биринчи навбатда, ижодкорларнинг бурчи, бизнинг бурчимиздир.

Мен шу ватан фарзандиман, унинг бахти — менинг бахтим, дардлари — менинг дардларим. Бу дардларга мен даво бўлмасам, ким даво бўлади? Унинг учун мен фидо бўлмасам, ким фидо бўлади, деган туйғу ҳаммамиз ва ҳар биримизда юрак амрига айланган кун юртимизнинг чиндан улуғ давлат бўлган кунидир. Ўша кунни кўрамиз деган ниятдаман.

Қуёш теграсида айланган сайёраларнинг барида тортиш кучи бор. Бу куч сайёранинг мавқеи, улканлиги, вазни билан ўлчанади. Она Еримизнинг ҳам тортиш кучи улкан. Уни енгиб инсоният кўкка парвоз қилиши учун неча миллион йиллик тараққиёт йўлини ўтган.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида сингиб кетган яшаш тарзи, урф-одатларини ана шундай тортиш кучига ўхшатгим келади. Эл қанча қадимий, маданият хазинаси залворли бўлса, урф-одатларнинг тортиш кучи ҳам шунча катта бўлар экан.

Биз ўзбек халқи яратган олижаноб анъаналар, бебаҳо қадриятлар билан ифтихор қиламиз ва эскириб, зарурияти йўқотган, оёқдаги кишанга айланиб қолган урф-одатлардан қутулишга интиламиз. Лекин ўша қуғур тортиш кучини енгиш қийин экан. Давраларда бир-бирини ҳасрат қиламиз. Ўзбекчилик одатларимиз қурсин, вақтнинг, молу жоннинг заволи, деймиз. Яна кўнамиз, илож қанча деб ўзимизга таскин берамиз. Ўз жонимизга зулм қилиб, ўз қалбимизга сабр тилаймиз.

Халқимизда бир гап бор. Лоқайд ва беғарво, ўзини билиб, бошқанинг ҳоли билан иши йўқ, дунёни сув олса тўпиғига чиқмайдиган одамларга қарата, шерикмисан, ҳаммолмисан, дейдилар. Шерик — дардинг билан дардлашадиган, айтмасанг ҳам ҳолатингни биладиган дўст. Ҳаммол — юкингни элтиб, пулингни олиб кетадиган хизматкор.

Қадимдан қолган бу ибратли сўз энди ижтимоий маъно касб этувчи ҳикматга айланди, ҳар ким ўз қалби, ўз виждонига ҳавола қилиши шарт бўлган саволга айланди.

Шерикмисан, ҳаммолмисан?

Ўзбек ҳовлисида тўй бўлса, биз эллик-юз киши бўлиб эшик олдида, яна шунча одам ҳовли девори тагида қўл қовуштириб турамиз. Бизлар дастёр ҳам эмас, меҳмон ҳам эмас. Дастурхонга таклиф қилса ўтирмаймиз, биз хизматда, деймиз. Бундай одатимиз жамият издиҳомида томошабин бўлиб бир чеккада турган, ишлаётганларнинг хатосини ҳисобкитоб қилиб, ўзларини, фақир киши панада, дейдиган "муҳокамачилар" тоифасини эслатади.

Инсонлар учун ноёб бир фазилат бор. Бу фазилат юрт учун масъуллик туйғусидир. Шунинг учун ҳам ноёбки, у кишидан мардлик, фидойиликни талаб қилади.

Масъулликни бўйнига олиб сўз айтган, иш қилган одам хато ҳам қилиши мумкин. Биз хато қилишдан чўчиймиз, ўлимдан қўрқандек қўрқамиз. Негаки, қалбларимиз кодексида хато қилиш ҳуқуқи ёзилмаган. Янглишганни кечириш қоидаси ҳам йўқ. Хато учун юксак жазо: беобрўлик, элга кулги, масхара бўлиш ҳукми белгиланган. Бу эса ўлимдан ортиқроқ жазодир.

Тўрт оёғи билан от ҳам қоқилади. Ижтимоий онг шу ҳақиқатни англаб етмас экан, инсонни асраб-авайлаш, кечира билиш даражасида комил бўлмас экан, одамларда одоб, мулозамат, истиҳола ўзинг ва яқинларинг зарарига хизмат қилса, жигарингни эзса, одобнинг азобга, мулозаматнинг заҳматга айлангани шу.

Биз ўзимизнинг шарқона ахлоқу тарбиямизни қадрлаймиз, ўзбекона маданиятимиз билан ғурур қиламиз. Буюк мумтоз адибларимиз бизни камтарлик, ҳокисорлик руҳида тарбиялаганлар. Лекин ҳеч қачон тўғрисўзликдан қайтарган эмаслар. Бошингга қилич келса ҳам тўғрисини айт, яхши дўст инсонга кўзгу, кўзгуга қараб уф тортма, оғзинг ҳовуридан у хиралашиб, айбингни кўрсатмай қўяди, деган ҳикматлар бизга улардан меросдир.

Сукут сақлаш керак жойда сўз айтмоқ, сўзлаш керак ерда жим турмоқ мусулмончиликда ҳам қусур ҳисобланишини биламиз.

Билишга-ку кўп нарсани биламиз, лекин... тўғри сўз тўққанингга ёқмас, деган мақолимиз ҳам бор.

Ўзгадан тўғрисўзлик талаб қилган одам, аввало, ўзи тўғрисўз, дадил бўлиши керак. Мен бугун не изтироблар билан шу саволни ўзимга бераман. Не қилайки, мен ҳам шу халқ, шу юрт, шу замон фарзандиман. Ўша истиҳола, журъатсизлик, андиша менда ҳам бор. Неча марта ҳақ сўзни ўз жойи, ўз вақтида айтолмай кейин ўкинганман, ҳазрат Навоий сатрлари билан ўзимга таскин берганман:

...Оқил киши ростдин ўзга демас,
Вале барча рост ҳам дегулик эмас.

Дарҳақиқат, рост деб ҳамма гапни айтавериш ҳам ақлдан эмас. Ростгўйлик билан беандишалик, бетга чопарлик, дилозорлик ўртасида нозик чегара борки, уни англаш, ҳис қилиш юксак маданият белгисидир.

Тамаддун олами яратган маънавий бойликлар ичида энг қимматли, энг зарур, энг пурнаф қадриятлардан бири баҳс маданияти, десам хато бўлмас. Баҳс муҳити жамият ҳаётини оқар сув каби тоза ва ҳалол қилади.

Ҳаётда кўп кузатганман: бағри кенг, зукко одамлар билан баҳсга киришсангиз, сизга эътибори кучаяди, ҳурмати ортади. Айниқса, эътиборингиз адолатли эканини билса, юзлари ёришиб кетади, сизга миннатдорчилик билдиришади. Сабаби, сиз уларга янги фикр бердингиз, бойитдингиз, қусурдан халос қилдингиз. Ўз нафини англаш ҳам донишмандлик белгиси. Бизнинг эса — эътирозга тоқатимиз йўқ, ким яхши, сизники маъқул, деган яхши. Айтар сўзимиз — хўп тақсир, қуллуқ тақсир, балли тақсир... Бу одат ичимизга кириб юрагимизга жойлашиб олган душмандир.

Сенат ялпи мажлисида мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлис икки палатасининг ўзаро муносабати ҳақида сўзларкан, яна бир бор баҳс муҳити, фикрлар кураши устида тўхталиб, истиҳолачилик, сен менга тегма, қабилидаги муносабатларнинг фойда келтирмаслигини таъкидлади.

Бу сўзлар нафақат сенаторларга, балки жамиятнинг барча табақаларига қарата айтилган эди. Чиндан ҳам асл зуваламизда бор бўлган шижоат ва футувватни ҳар дам намоён қилмоқ, бир-бировга чин меҳр ва дўстлик шартини адо этмоқ замон талабига айланди.

Ҳавонинг энг нозик эпкини, энг майин шаббодани терак учидаги барглар сезади ва тебранади. Жамиятнинг эпкинларини юрак билан сезиб, қалб амри билан ҳаракатга келувчилар ҳам, аввало, эл назарида юксак мақом тутган инсонлардир. Шамол борми, деб терак учига қарагандек, одамлар ўзи ишонч билдирган миллат вакиллари, сенаторлар, таниқли арбоблар, ижодкорлар сўзига ва ҳаракатига қараб оламнинг эпкинларини ҳис қиладилар.

Сенат йиғинида Президент И.А.Каримов нутқининг асл моҳияти бизларнинг халқ қисмати учун масъулиятимиз ҳақида эди. Сенатор — улуғ ном. Номидан ҳам зиммадаги юки улкан бўлган шахс. Томиримиз халқ томири билан туташлигини ҳис қилиб яшаймиз ва келажак насл олдида юзимиз ёруғ бўлади, деб умид қиламиз.

Акциядорлар ҳузурида ҳисобот

Пойтахтимиздаги Молиявий хизматлар банклараро маркази биносида республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири — акциядорлик тижорат "Пахтабанк"и акциядорларининг йиллик умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти, хусусан, қишлоқ хўжалигини тараққий эттиришда етакчи ўринни эгаллаб келаётган мазкур молия муассасасининг 2005 йилдаги даромадлари сарҳисоб қилиниб, шу даврдаги фаолияти якунлари муҳокама этилди.

Таъкидландики, бугунги кунда 77 мингдан зиёд акциядорларга эга "Пахтабанк" 13 та вилоят бошқармаси, 183 та филиали ва 618 та мини банки орқали мулкчилик шаклининг барча кўринишидаги 392 мингдан зиёд мижозларга комплекс банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. 2005 йил, айниқса, банк фаолиятида барқарор ўсиш даври бўлди. Унинг капитал базаси мустаҳкамланиб, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш кўпайтирилди. Масалан, 2005 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, банкнинг жамланма капитали илгариги йилдагидан 1,3 марта кўпайди.

Йиғилишда акциядорлар жорий йилда банкни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб олишди.

Шавкат ОРТИҚОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Эзгулик муждаси

Юртимизда баҳор кезиб юрибди. Ҳаётбахш баҳор. У элимизга кўп яхшиликлар нафасини олиб келди. Куни кеча Россия Федерацияси, ёндош ва қондош Қозоғистон Республикаси, синашта ҳамкоримиз Жанубий Корея билан дўстлик ришталарининг янада қаттиқроқ боғлангани халқимиз, давлатимиз учун янги имконлар келтирувчи баҳорий илиқлик муждаларидир.

Бу мураккаб дунёда, манфаат учун курашлар муҳитида дўст-душманни ажратиб олиш ҳам анчайин мураккаб экан. Шукрки, халқимиз ўн беш йил аввалги онг билан қолгани йўқ. Жаҳон уммонларига бағримизни очиб, унинг хатарли гирдоблари, ёвуз ва хийлакор наҳангларини ҳам кўрмоқдамиз. Сергак ва огоҳ дарғамиз билан қатъий танлаган йўлимиздан бормоқдамиз. Ким нима деса десин, ким кимнинг манфаатига хизмат қилса қилсин, доно халқимиз энди рост билан ёлғоннинг, ҳақиқат билан туҳматнинг, хайрихоҳлик билан ошкора душманликнинг фарқини яхши билади.

Турли хил фиску фужур, ғийбат ва бўҳтонларга бизнинг жавобимиз битта: юртимизни янада обод, эркин ва гуллаб яшнаган диёрга айлантириш, унинг нурли келажаги йўлида бирдам ва ҳамжиҳат бўлиб меҳнат қилиш, курашишдир. Зеро, халқ бирлиги буюк қудратимиз.

Бевосита мулоқот

БУГУН СИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИ АБДУРАҲМОН АБДУВАЛИЕВ ЭШИТАДИ

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар ёки умуман соҳага доир бошқа масалалар хусусида Сизни қизиқтирган саволларга «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти билан ҳамкорликда уюштириладиган бевосита мулоқотда жавоб топасиз.

Мулоқот бугун соат 10.00 дан 12.00 гача 134-38-59, 144-47-28 телефонлари орқали ўтказилади.

Буклаш чизиғи

6) электр алоқаси корхоналари, телевизион, радио қабул қилиш ва радио узатиш марказлари ҳамда уларнинг муҳандислик иншоотлари;

7) ракета-космик мажмуалари, алоқа тизимлари ва уларни бошқариш воситаларини ишлаб чиқиш, тайёрлаш, таъмирлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

8) матбаа корхоналари ва нашриётлар;

9) ахборот ва телеграф агентликлари;

10) шифрлашда ишлатиладиган техникани ишлаб чиқариш, таъмирлаш, реализация қилиш ва ундан фойдаланишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

11) стандартлаштириш ва метрология корхоналари ҳамда ташкилотлари;

12) таваккалчилик хавфи юқори бўлган объектлар ҳамда ички ва ташқи хавф-хатари бор ишлаб чиқариш объектлари (ушбу модданинг 2-банди 12-кичик бандида кўрсатиб ўтилган объектлар бундан мустасно) қуриш ҳамда улардан фойдаланишни, улар учун ускуналар, назорат қилиш ва фалокатларнинг олдини олиш тизимларини тайёрлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

13) ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқловчи, ёнғиндан огоҳлантирувчи ва қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантиришга мўлжалланган сигнал бериш воситаларини лойиҳалаш, таъмирлаш, монтаж қилиш, созлашни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

14) сув хўжалиги ҳамда мелиорация тизимларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ҳамда улардан фойдаланишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар, авария-қутқарув кемалари, гидротехника иншоотларини техник назорат қилиш кемалари;

15) муҳандислик инфратузилмаси объектлари: туман марказлари ва шаҳарларнинг электр, иссиқлик ва газ таъминоти, водопровод-канализация хўжалиги, ташқи ёритиш, ташқи ободонлаштириш объектлари, шунингдек бундай объектларни лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишни амалга оширувчи корхоналар;

16) темир йўл, ҳаво ва дарё транспортида йўловчилар ҳамда юклар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

17) шаҳарда йўловчилар ташишни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотлар;

18) вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар ўқув юртлари, шунингдек умумтаълим муассасалари;

19) Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг ташкилотлари. Давлат илмий марказлари;

20) давлат наслчилик хўжаликлари ва фермалари, от заводлари, элита-уруғчилик хўжаликлари, уруғчилик ва селекция станциялари, давлат уруғчилик инспекциялари ва қишлоқ хўжалик экинларининг технологик сифатини баҳолаш лабораториялари, нав синов станциялари ва участкалари;

21) почта алоқаси корхоналари;

22) ўрмон хўжалигининг, геология, картография-геодезия, гидрометеорология хизмати корхоналари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ахборот марказлари;

23) саноатнинг қаттиқ чиқиндилари ва рўзғор чиқиндилари қўмиладиган майдонлар, бинолар, иншоотлар ва қўмиш учун керакли ускуналар, чорва моллар кўмиладиган жойлар;

24) машина синаш станциялари, элеваторлар, музлаткичхоналар, омбор хўжалиги объектлари;

25) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлашган давлат санаторий-курорт хўжаликлари;

26) концерт-томоша кўрсатиш муассасалари-

тирилмайди:

1) Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида ер (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;

2) маданий мерос объектлари, давлат фондларини киритган ҳолда, шу жумладан китобларнинг, кино, фото ва фоноҳужжатлар архивлар ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фондлари, музейлар ва музей бойликлари, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар;

3) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг, валюта захирасининг, давлат мақсадли жамғармаларининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маблағлари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг олтин захираси;

4) пул муомаласи бўйича хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари, қимматли қоғозларни, орденларни, медалларни ва почта тўлови белгиларини ишлаб чиқаришни таъминловчи корхоналар ва ташкилотлар;

5) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ва Ички ишлар вазирлигининг корхоналари, муассасалари ва ҳарбий-техникавий мол-мулки (саноатда қайта ишлов берилгунига қадар, шунингдек саноатда қайта ишлов берилиши мумкин бўлмаган мол-мулк);

6) ионловчи нурланиш манбаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб борувчи, рентген ускуналари, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва реализация қилишни амалга оширувчи корхоналар ва объектлар;

7) радиоактив моддаларни кавлаб олиш, ишлаб чиқариш, ташиш, қайта ишлашни, радиоактив чиқиндиларни кўмиш, уран ва бошқа бўлинувчи материалларни, шунингдек улардан ясалган буюмларни реализация қилишни амалга оши-

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 10 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрда қабул қилинган **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 425–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 43-модда; 1993 йил, № 5, 236-модда; 1994 йил, № 11–12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) **4-моддасининг 2** ва **3-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Қуйидаги давлат мулки объектлари давлат тасарруфидан чиқарилмайди ва хусусийлаш-

Буклаш чизиғи

Якун ва самара

Мамлакатимизнинг йирик молия институтларидан бири ҳисобланган республика акциядорлик тижорат банки — "Галлабанк" иқтисодиёт, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Бугунги кунда бу молиявий муассасанинг 32 та филиали, 72 та мини банки, 146 та жамғарма шохобчаси, мулкчилик шаклидан қатъи назар, республикамизда фаолият юритаётган олтмиш мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга банк тизими бозорида мавжуд бўлган барча турдаги хизматларни кўрсатиб келмоқда.

Галлабанк: УСТУВОР ВАЗИФАЛАР АНИҚ

Ўтган йил якунларига кўра, банкнинг умумий капитали 18,8 миллиард сўмни ташкил этиб, акциядорлар ўртасида жойлаштирилган умумий акциялар миқдори эса 6 миллиард сўмга етди. Капиталнинг барқарор ўсиши ва мижозлар сонининг ортиб бориши банкка ўз кредит сиёсатини фаол юритиши учун қулай замин яратди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётнинг турли йўналишларидаги 31 мингта мижозга жами 42,9 миллиард сўмликдан зиёд кредит, шу жумладан, 4 миллиард сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари берилиб, 503,1 миллион сўмликдан кўпроқ лизинг хизматлари кўрсатилгани бунинг тасдиғидир. Ана шу кредитларнинг қарийб 17 миллиард сўми эса қишлоқ хўжалик корхоналари, хусусан, фермер хўжаликларига ажратилган бўлиб, унинг 2 миллиард сўмдан ортиғи фермерларга янги техника, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун йўналтирилди.

Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банки 2003 йилдан бошлаб республикамизнинг бешта туманида қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида кредит ажратаётганидан хабардорсиз. Бу кредит линиясининг III-босқичидаги умумий қиймати 1,7 миллион АҚШ долларилик маблағи ҳам бугунги кунда "Галлабанк" томонидан самарали ўзлаштирилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб, шунингдек, молиявий муассасанинг мижозларга, жумладан, жисмоний шахсларга мўлжалланган хизматлари мисолида яққол кўриш мумкин. Натижада аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи йил давомида 2229,5 миллион сўмга ўсиб, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8303,4 миллион сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишчи-хизматчиларига ойлик маошларини тўлашнинг замонавий усули, яъни "Иш талари, мебеллар, уй жиҳозлари, уй-жойни таъмирлаш, даволаниш, олий ўқув юртларида шартнома асосида ўқиш ва бошқа мақсадлар учун қарийб 500 миллион сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратилди.

Банкнинг аҳолига кўрсатадиган хизмат турлари ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Айниқса, буни одамлар учун қулай жойларда ташкил этилиб, самарали фаолият юритаётган 146 та жамғарма шохобчаси орқали 40000 га яқин жисмоний шахсга кўрсатилаётган хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин. Натижада аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи йил давомида 2229,5 миллион сўмга ўсиб, 2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8303,4 миллион сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишчи-хизматчиларига ойлик маошларини тўлашнинг замонавий усули, яъни "Иш ҳақи лойиҳаси" сифатида банк хизматлари бозорига кириб келган пластик карточкалар ҳам муомалага киритилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида жисмоний шахслар 60000 дан зиёд ана шундай карточкалар билан таминланиб, 500 та савдо терминали ишга туширилди.

Яқинда банк акциядорларининг ўтган молия йилидаги якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Кун тартибига мувофиқ, унда банк бошқарувининг ҳисоботи, бухгалтерия балланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш, олинган соф фойдани тақсимлаш, банк уставига ўзгартиришлар киритиш, акциядорлар умумий йиғилиши, банк Кенгаши ва бошқаруви тўғрисидаги янги таҳрирдаги Низомларни тасдиқлаш, шунингдек, акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар кўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Айни чоғда бу йиғилишда банк Кенгаши ҳамда бошқарувининг ҳисобот даврида амалга оширган ишлари, фаолиятни янада ривожлантириш борасида ўтказган тадбирлари, шунингдек, иш жараёнида учраётган муаммолар ҳам акциядорлар томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, молиявий муассасанинг жорий йилдаги устувор вазифалари белгилаб олинди.

Улар нималардан иборат? Корпоратив бошқарув тизимини янада ривожлантириш, умумий капитални кўпайтириш, жумладан, банк акцияларининг 2 миллиард сўмлик янги эмиссиясини эълон қилиш, банк активларининг 25-27 фоизга ўсишини таъминлаш, уларнинг даромадлилик даражасини ошириш, қишлоқ хўжалиги, аввало, фермер хўжаликларини янги техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, айланма маблағларга кредитлар бериш асосида доимий молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларида фаол иштирок этишини таъминлаш, банк депозит сиёсатини янада фаоллаштириш асосида юридик ва жисмоний шахсларнинг банкдаги депозитлари ҳажмини янада кўпайтириш шулар жумласига киради.

Молиявий муассасанинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, жамоанинг чакана банк хизматлари бозоридаги иштироки доирасини кенгайтириб бориш, замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш, кадрлар сиёсатини самарали ташкил қилиш асосида акциядорларнинг сармоялари бўйича даромадларини кўпайтириш ҳам жамоа олдида турган устувор вазифалардан ҳисобланади.

Банкнинг матбуот хизмати. t

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Лот №2— газлаштириш:

Лот №2-1. Навоий вилояти, Хатирчи тумани, «Мирдош» ш/х (А.Икромов) Мирдош ва Навандақ қишлоқларида юқори босимли газ қувури тармоқлари қурилиши (2-босқич).

Лот №2-2. Навоий вилояти, Навбаҳор тумани, Ижанд, Дегрез, Қизилработ, Қирқариқ, Гидроузел, Ҳужум, Ялтиработ қишлоқ аҳоли пунктларига юқори ва ўрта босимли газ қувури тармоқлари қурилиши.

Объектларнинг қурилиш муддати — 2006 йил 3-чорак якуни.
Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси. Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Телефон/факс: (436) 225-53-85.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати қурилиш учун – 50 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.

Парижда ўзбек тадбиркорларининг форуми

Яқинда Франция пойтахтида ўзбекистонлик ёғоч ўймакорлиги усталари, рассомлар ҳамда «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ижодига мансуб халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси ва тадбиркорларнинг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Франция Савдо-саноат палаталари, мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўргазмага 12 мингдан зиёд томошабин ташриф буюрди.

Франциянинг 80 га яқин етакчи компанияси вакиллари иштирокидаги бизнес-форум эса, айниқса, самарали кечди. Хусусан, тадбир давомида 18 та истиқболли лойиҳани ҳамкорликда амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шаҳар марказида жойлашган
«ФЕСТИВАЛЬ» РЕСТОРАНИ
қуйидаги тадбирларни ўтказиш учун буюртмалар қабул қилади:
* никоҳ кечалари;
* наҳорги ош;
* банкетлар;
* комплекс тушликлар.

Пул тўлаш — сиз истаган шаклда.
Тошкент ш., «Ўзбекистон» к., 98-«А» уй. Тел.: 144-26-22, 395-81-23.
Мўлжал: Киночилар уйи.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Уран экспорт қилинади

Австралия Бош вазири Жон Хауэрд расмий Пекин билан мамлакатда қазиб чиқарилаётган уранни Хитойга етказиб бериш борасида шартнома имзолади. Австралияда дунё уран захирасининг 40 фоизи мавжуд. Уранни экспорт қилишда бир қатор жиддий шартлар белгиланган, яъни урандан ҳарбий мақсадларда фойдаланилмайди — деди мамлакат ташқи ишлар вазири Александр Даунинг.

2010 йилдан бошлаб, Австралиядан Хитойга йилига 20 минг тонна уран экспорт қилинади.

Муддатидан олдин сайлов

Таиландда якшанба куни парламент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакат пойтахти Бангкок аҳолисининг катта қисми амалдаги бош вазир Таксина Шинаватрага қарши овоз беришган. Бироқ тахмин қилинишича, қишлоқ худудларида унинг тарафдорлари кўпроқ.

Бундан бир муддат олдин бош вазир коррупция ва лавозимини суиистеъмол қилганликда айбланганди. У ўзига нисбатан қўйилган айбловни олиб ташлаш мақсадида мамлакатда муддатидан уч йил олдин сайлов ўтказишни эълон қилганди. У ўзига қўйилган айбловларни инкор этар экан, агар унинг партияси сайловда кам овоз тўпласа, эгаллаб турган лавозимидан кетишга ваъда берди. Овоз бериш жараёнида учта сайлов участкасида портлаш содир этилди. Оқибатда беш киши жароҳатланди.

Терроррнинг манфур кўриниши

БМТнинг инсонпарварлик ёрдамларини мувофиқлаштирувчиси Ян Эгеланд Угандадаги жангарилар ҳаракатини терроризмнинг манфур кўриниши дея баҳолади. У мамлакат шимолига қилган сафаридан қайтгач, ҳукуматга мурожаат қилиб, бу ҳудудда хавфсизлик чораларини кучайтиришга чақирди. Унинг билдиришича, 25 йилдан буён тинч аҳолига ҳужум қилиш ва одамларни гаровга олиш жангарилар учун оддий ҳолга айланган. Манбада айтилишича, жангариларнинг фаолияти туфайли ҳар ҳафта камида 150 нафар аҳоли қурбон бўлаяпти.

Ҳарбийлар чиқиб кетади

Расмий Москва ва расмий Тбилиси Грузия ҳудудидан Россия ҳарбий базаларини олиб чиқиб кетиш муддати юзасидан ўзаро бир келишувга эришдилар. Ахалкалакидаги ҳарбий база Грузияга 2007 йилда топширилади. Батумидаги ҳарбий объектлар эса 2008 йил охирида грузияликлар қўлига ўтади.

Халқаро кузатувчилар ҳарбийларнинг чиқиб кетиши Грузиядаги рангли инқилобдан кейин икки мамлакат ўртасида юзага келган совуқчиликка барҳам бериб, муносабатларнинг илиқлашувини тезлаштиришини башорат қилишаяпти.

Нью-Йоркда норозилик намойишлари

Нью-Йорк кўчаларида бир неча минглаб муҳожирлар норозилик намойишлари ўтказишаяпти. Улар айни пайтда АҚШ Конгрессида муҳокама этилаётган муҳожирлар тўғрисидаги қонундан норози бўлишаяпти. Намойишчилар ўз давлатларининг байроқларини кўтариб олишган.

Янги қонун лойиҳасида мамлакатга кириб келган ноқонуний муҳожирга нисбатан жиддий чоралар кўрилиши ҳақида гап боради. Бундан ташқари, лойиҳада ҳукумат рухсатисиз мамлакатга келган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, бир йилгача озодликдан маҳрум этилиши ҳам кўрсатилган.

IPOTEKA BANK
«ИПОТЕКА-БАНК»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ
маълум қилади.
ЯГОНА БАЛАНС ВА ПЛАСТИК КАРТОЧКА ТИЗИМЛАРИ УЧУН МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИ СЕРВЕРЛАРИ, КОМПЬЮТЕР ВА ПЕРИФЕРИЯ ҚУРИЛМАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ БЎЙИЧА «ХАЛҚ СЎЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ 2006 ЙИЛ 4 МАРТДАГИ СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТЕНДЕР УЧУН
тижорат таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 11 апрель соат 12.00 гача узайтирилди.
Телефонлар: 133-11-22, 133-12-85, 133-36-82.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

HYUNDAI
DONGNAMUZ-MOTORS OFFICIAL DISTRIBUTOR OF HYUNDAI MOTOR COMPANY
DONGNAMUZ MOTORS

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Sonata NF
Elantra
Coupe
Santa Fe
Tucson
Terracan
Matrix
H-1 Starex
Grandeur XG

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ФАОЛИЯТИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ВА ШУҒУЛЛАНМОҚЧИ БЎЛГАН ТАДБИРКОРЛАР ВА БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

автомобиль транспортига оид қонунлар, қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича йўловчи ва юк ташишни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, қайта расмийлаштириш, муддатини узайтириш юзасидан, шунингдек, ташувчи ёки мижоз сифатида ўзингизни қизиқтирган бошқа барча саволлар билан

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИнинг

www.uzaart.uz веб сайтига ҳамда агентлик ва унинг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги ҳудудий бўлимларига мурожаат қилишингиз ва керакли маълумотларни олишингиз мумкин. Бу ерда сиз автомобиль транспортида фаолият кўрсатиш учун лицензиялар олиш ва қайта расмийлаштириш имконига ҳам эга бўласиз. Ҳудудий бўлимларимиз манзиллари:

- Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги: Тошкент ш., У. Юсупов к., 3-уй, тел.: 144-30-63, 41-14-17.
- Тошкент вилояти бўлими: Тошкент ш., «Олмалиқ ҳалқа» к., 1-уй, тел: 98-39-86.
- Сирдарё вилояти бўлими: Гулистон ш., А. Навоий к., 64-уй, тел: 25-15-84, 25-24-26.
- Жиззах вилояти бўлими: Жиззах ш., «Тошкент» к., 1-«А» уй, тел: 4-12-31, 6-16-30.
- Андижон вилояти бўлими: Андижон ш., А. Йўлдошев к., 30-уй, тел: 24-32-33, 24-17-23.
- Фарғона вилояти бўлими: Фарғона ш., ал-Фарғоний к., 52-уй, тел: 24-53-81, 24-35-37.
- Наманган вилояти бўлими: Наманган ш., Н.Намангоний к., 20-уй, тел: 6-27-58, 6-27-89.
- Самарқанд вилояти бўлими: Самарқанд ш., А. Темур к., 69-уй, тел: 33-71-12, 33-31-38.
- Навоий вилояти бўлими: Навоий ш., А. Навоий к., 5-уй, тел: 4-68-91.
- Бухоро вилояти бўлими: Бухоро ш., Шнейдер к., 1-уй, тел: 5-08-59, 5-08-39.
- Қашқадарё вилояти бўлими: Қарши ш., «Ғузор» к., 12-уй, тел: 7-00-72.
- Сурхондарё вилояти бўлими: Термиз ш., М. Қошғарий к., 42-«А» уй, тел: 3-73-14, 3-57-85.
- Хоразм вилояти бўлими: Урганч ш., «Хонқа» к., 62-уй, тел: 5-58-56, 5-47-52.
- Қорақалпоғистон Республикаси бўлими: Нукус ш., А. А. Досназаров к., 62-уй, тел: 2-47-08, 2-47-09.

"АРАРТАК" ОАЖ

барча харидорларга хабар қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2005 йил 11 ноябрда тасдиқланган 19-03 O'zR 59 2005-сонли реестрга кўра "АРАРТАК" ОАЖ маҳсулотига қуйидаги чекланган шартномавий нархлар ўрнатилган:

Маҳсулот номи	Ўрта ҳисобланган меъёри, %.		Ўлчов бирлиги	ККС билан 1 тонна маҳсулотга улгуржи нарх, сўмда
	Қуллик	Намлик		
2 БПК 50-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун Биржа орқали	 14,4 14,4	 35,8 35,8	 тонна тонна	 6766 12671
Аҳоли учун*	14,4	35,8	тонна	12671
2БОМСШ 0-50	23,8	35	тонна	20156
2БОМСШ-Б-1 0-50	32,5	35	тонна	15771
2БОМСШ-Б-2 0-50	46,7	35	тонна	8617
2 БР 0-300 (200) Бюджет ташкилотлари учун Саноат корхоналари учун	 21,8 21,8	 35,5 35,5	 тонна тонна	 12781 20802
2БР-Б-1 0-300 (200)	32,5	35,5	тонна	15235
2БР-Б-2 0-300 (200)	46,7	35,5	тонна	7855

ИЗОҲ:* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 майдаги РР-85-сонли қарорига асосан, узоқ жойда жойлашган ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшайдиган аҳоли эҳтиёжи учун қўшимча етказиб бериладиган 100 минг тонна миқдоридаги кўмир учун белгиланган.

Маҳсулот кули ва намлиги бўйича ўртача ҳисобланган меъёри фоиз ҳисобида ГОСТ 8298-89, ГОСТ 8302-87, Tsh 12-18:2001, ГОСТ 8297-87 мувофиқ ўрнатилган. Кўмир сифати бўйича ўзгариш бўлганда чегириш (ёки қўшиш) меъёрлари №03-01-1988 прейскурант бўйича қўлланилади. Кул бўйича ҳар бир фоиз кўпайишга ёки камайишга белгиланган нархдан 2,5% намлик бўйича 2,0% миқдорида.

Муҳташам Оқсарой мажмуи кўкка бўй чўзиб турган Амир Темур хиёбони санъат ихлосмандлари билан тўлган. Буюк Соҳибқироннинг ҳайкали олдидаги катта саҳнани беҳисоб баҳорий гуллар безаб турибди. Хиёбон узра дилга ҳузур бахш этувчи қўшиқ оҳанглари таралмоқда.

Дилни ром этган наволар

Қоши ёсинму дейин,
кўзи қаросинму дейин,
Кўнглима ҳар бирининг
дарду балосинму дейин.
Эй, Навоий дема қошу
кўзимнинг васфини эт,
Қоши ёсинму дейин,
кўзи қаросинму дейин.

Жаҳонгашта аждодимизга бешик бўлган қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабзда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган «Мумтоз наволар» мусиқий анжумани ана шундай кўтаринки руҳда ўтди.

Санъаткорларнинг чиқишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродов раҳбарлигидаги «Бахтли болалик» мақомчилар гуруҳи бошлаб берди. Эндигина ижод оламига кириб келаётган бу ўғил-қизларнинг мумтоз қўшиқларни маромига етказиб ижро этиши томошабинларни ҳам, мутахассисларни ҳам лол қолдирди. Шундан сўнг хушовоз хонандалар Мухлиса Исомова, Аслиддин Дўстов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Бекмурод Жўраев, Одилжон Исмоилов, Ўктам Аҳмедов, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ижросида бири-биридан гўзал қўшиқлар янгради. Халқимизнинг севимли санъаткори, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов ўзининг бетакрор овози билан қўшиқ шайдоларига олам-олам завқ бағишлади.

Энг муҳими, барча қўшиқлар жонли ижро этилди. Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов бошчилигидаги мусиқачилар гуруҳи ёш ижрочилар ва устоз санъаткорларнинг ширали овозига жўр бўлиб, қўшиқларга алоҳида шукуҳ бахш этди.

— Мумтоз қўшиқлар ижрочилари ва мухлисларининг бу катта байрами Шаҳрисабзда ташкил этилганлиги бежиз эмас, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Зокир Аҳмедов. — Шаҳрисабзликлар санъатга шинаванда одамлар, қўшиқ тинглашни ҳам, куйлашни ҳам яхши кўришади. Бу ердан кўплаб таниқли санъаткорлар етишиб чиққан. Мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочилари, элимизнинг ардоқли санъаткорлари Марям ва Насиба Сатторовалар билан шаҳрисабзликлар ҳақли равишда фахрланишади. Бугунги анжуманимизни бошлаб берган ёш мақомчиларнинг ижро маҳорати ҳам Шаҳрисабзда мумтоз қўшиқчилик мактаби яратилганлигидан нишонадир. Санъаткорларимиз ижро этган қўшиқларда халқимизнинг кўп йиллик тарихи, маънавиятимиз сарчашмалари ўз ифодасини топди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



СУРАТЛАРДА: «Мумтоз наволар» мусиқий анжуманидан лавҳалар.

Ж. НОРҚОБИЛОВ олган суратлар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, мудофаа иншоотларида ишлаш лицензиясига эга бўлган барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

иншоотни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш (под ключ) шарти билан танлов савдосини эълон қилади:

Қашқадарё вилояти, Пачкамар аҳоли пунктидаги қурилиши тугалланиши мўлжалланган 16 хонадонли муҳандислик тармоқлари билан турар-жой биноси.

Қурилиш муддати — 180 кун.
Бошланғич нархи — буюртмачи томонидан танлов савдолари куни тақдим этилади.
Буюртмачи — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Капитал қурилиш бошқармаси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 1-уй.
Телефон: 169-01-03. Факс: 169-01-11.

Қурилиш ишларини молиялаштириш марказлаштирилган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: мудофаа иншоотларида ишлаш махсус лицензиясига эга бўлиши, етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида бўш айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 52-уйда** жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиши мумкин.
Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачи биносида қуйидаги манзилда ўтказилади:

Қарши шаҳри, «Ўзбекистон овози» газетаси кўчаси, 3-уй.

2408/6619

Футбол

«Пахтакор» — якка пешқадам

Футбол бўйича мамлакат XV миллий чемпионати тўртинчи тур ўйинлари якунланди. Турнинг марказий учрашувларидан бири Тошкентда пешқадамлар «Трактор» ва «Пахтакор» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Учрашувда 3:0 ҳисобида «Пахтакор» жамоаси ғалаба қозонди (Тўпларни А. Солиев, С. Жепаров ва З. Тожиев киритди).

Тўртинчи турнинг яна бир қизиқарли баҳси Фарғонада «Нафтчи» ва «Насаф» жамоалари ўртасида кечди. Унда томонлар 1:1 дурангга келишдилар. Қолган учрашувлар натижалари қуйидагича: «Тўполанг» — «Андижон»1:0, «Шўртан» — «Машъал» 1:2, «Металлург» — «Қизилқум»-4:1, «Самарқанд-Динамо» — «Хоразм»1:0, «Навбаҳор» — «Бухоро»1:0, «Локомотив» — «Сўғдиёна» 1:0.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1 «Пахтакор»	4	4	0	0	10-0	12
2 «Машъал»	4	3	1	0	8-2	10
3 «Трактор»	4	3	0	1	6-6	9
4 «Тўполанг»	4	2	2	0	6-2	8
5 «Навбаҳор»	4	2	1	1	7-2	7
6 «Нефтчи»	4	2	1	1	6-4	7
7 «Локомотив»	4	2	1	1	5-4	7
8 «Насаф»	4	2	1	1	5-5	7
9 «Самарқанд-Д»	4	2	0	2	3-5	6
10 «Қизилқум»	4	1	2	1	5-6	5
11 «Металлург»	4	1	1	2	6-5	4
12 «Бухоро»	4	1	0	3	3-6	3
13 «Шўртан»	4	1	0	3	2-6	3
14 «Андижон»	4	0	1	3	2-6	1
15 «Сўғдиёна»	4	0	1	3	0-5	1
16 «Хоразм»	4	0	0	4	1-11	0

Буюк қадамжолар бўйлаб

ФАРҒОНА. Анъанавий тус олаётган умуммамлакат марафонини фарғоналиклар анча соғиниб қолишган экан. Вилоятнинг шарқий дарвозаси — Қува тумани ҳудудида марафончиларни минглаб ишқибозлар, югуриш ихлосмандлари гуллар, карнай-сурнай садолари остида кутиб олишди. Бу галги марафоннинг асосий йўллари Соҳибқирон бобомизнинг водийдаги мўътабар қадамжоларидан ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Иккинчи куни марафончилар Бурҳониддин Марғиноний номи билан аталувчи боғдан старт олиб, Олтиариқ, Риштон, Боғдод туманлари орқали Қўқон шаҳрига кириб келдилар. Худоёрхон ўрдаси тарихий мажмуасида кўпминг кишилик митингда қатнашиб, эрта тонгдан азим Сирдарёдан ўтиб, Қамчиқ довони орқали пойтахт вилояти сари йўл олишди.

Умуммамлакат марафони



НУКУС. Наврўз айёми ҳамда Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафонининг биринчи йўналиши Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахтидаги Фаразсизлик (Мустақиллик) майдонидан қадим ва навқирон Шаҳрисабз томон старт олди. 2 апрель куни тонгдан Нукуснинг ушбу бош майдони спорт ва енгил атлетика ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Эрталаб соат 8.00 да очилган тантанали маросимда йиғилганларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Х. Абдурамонов спорт байрами билан табриклади. Марафонда қатнашган 36 йигит ва қиз шу куни Амударё туманининг маркази Манғит шаҳрига етиб келди. Сўнгра умуммамлакат марафони аъзолари Манғитдан Гурлан орқали Урганч шаҳрига югуриб кетдилар.

Набижон СОБИР,
Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ТАШКИЛОТ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДАН
автомобиллар ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқарилган кенг ассортиментдаги

ШИНАЛАРНИ сотади:

Шиналар буюртма бўйича 30-35 кунда Украина ва Россиядан вагонларда келтириляди.

Улгуржи ва чакана савдо қилиш филиаллари манзиллари:
Наманган ш., «Дўстлик» шохкўчаси, 1-А уй. Тел.: (3692) 24-56-60.
Андижон ш., «Мирпўстин» к., 20-уй. Тел.: (3742) 24-04-88.
Дангара ш., «Тошкент» к., 74-уй. Тел.: (37357) 2-19-06.
Термиз ш., Ч.Сафаров к., 80-уй. Тел.: (37622) 2-45-85.

ТОВАРЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
2808/4068

NG SERVICE ЎЗБЕКИСТОН–АМЕРИКА ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

«NG SERVICE» ҚК дунёнинг қуйидаги машҳур компанияларининг сервис-маркази ҳисобланади: Hewlett-Packard, EPSON, APC, Fujitsu SIEMENS Computers, LG, Canon, Xerox, MASTER GUARD.

Сервис-марказ
кафолатли, кафолат муддатидан кейинги таъмирлаш, компьютерлар, принтерлар, UPS, нусха кўчириш техникасига хизмат кўрсатиш ҳамда локал-ҳисоблаш тармоқларини қуриш ва модернизация қилиш ишларини бажаради.

Шунингдек,
етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг асл (оригинал) бутлаш, эҳтиёт қисмлар ва сарфлаш материалларини улгуржи-чакана савдосини ҳам бажаради.

Ўзбекистоннинг 12 минтақасида филиалларимиз мавжуд.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Лисунов кўчаси, 2-уй.
Мўлжал: Авиасозлар саройи.
Телефонлар: 194-57-85, 194-57-87, 199-50-22, 199-52-84.
E-mail: support@nuron.uz

hp invent, APC, FUJITSU SIEMENS, LG, Canon, EPSON, XEROX, MASTER GUARD, NURON

2135/6199 ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Сиз барибир бошқачасиз»

Ижодкор Ҳамид Норқулнинг навбатдаги китоби ана шундай деб номланган. Унинг биринчи бўлимидан шеърлар, иккинчи бўлимидан эса детектив ҳикоялар жой олган. Уларни ўқир экансиз, ҳаётнинг турфа манзаралари, инсон руҳиятининг минг бир жилвалари билан ошно бўласиз. Сўнгра яқинларингизга, ҳамкасбингизга тавсия этасиз: бир ўқиб чиқинг, ҳеч бўлмаганда кўз югуртириб қўйинг. Зеро, муаллиф қисқача кириш сўзида ёзади: "Ижодкор учун битта синов майдони бор. У ҳам бўлса ёзганларингни кимдир ўқиб, юрагидан ўтказса, кимгадир сўзлаб берса, бундан ортиқ бахт йўқ!"

Ўз мухбиримиз.

«Ҳамкорбанк» АТБ акциядорлари диққатига!

«ҲАМКОРБАНК»

акциядорлик-тижорат банки акцияларига дивиденд тўловлари амалга оширилмоқда.

Дивидендларни олиш учун банкнинг тегишли филиалларига мурожаат қилиб олишингиз сўралади.

«Ҳамкорбанк» АТБ бошқаруви.

2407/6614

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим, техника фанлари доктори, профессор Ш. Ҳотамовга укаси, институтнинг илмий ходими

Қудрат ҲОТАМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти жамоаси яккакураш факультети декани Рустам Холмуҳамедовга отаси

Декан ХОЛМУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси маъмурияти, бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси, «Ёшлар» телерадиоканали жамоаси «Мунаввар тонг» студияси режиссёри Муқаддас Шомуродовага акаси

Комронхўжа САЪДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти ректорати автомобиль транспорти иқтисоди ва менежменти кафедраси профессори Г. А. Саматовга волидаси

ХОСИЯТ аянинг

вафот этганлиги сабабли чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси чолғу жамоаларига раҳбарлик кафедраси мудири, педагогика фанлари номзоди Бахтиёр Азимовга волидаи муҳтарамаси

МУХТАБАР аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот давлат институти жамоаси бўлим мудири Раҳмонтой Қурвонтоевга укаси

Иристой ИРИСМЕТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«ЎзМАДпарранда-холдинг» холдинг компания жамоаси компания бош мутахассиси Алишер Бегалиевга отаси

САНАҚУЛ ҳожи отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ташкилот ва хусусий тадбиркорлар диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

қуйидаги маркадаги оргтехникаларни сотиб олиш мақсадида танлов эълон қилади:

Лот №1 — қуйидаги русумдаги компьютерлардан 65 дона: Pentium 4 Celeron 2.13 GHz, 256 MB DDR pc 3200, SVGA int.64 MB, HDD 80GB 7200 rpm, Lan 100 Mbit, CD-rom, FDD, Keyboard multimedia, mouse optikal, Monitor 17;
ЛОТ №2 — CANON 3110 MPF Printer нусха, сканер — 65 дона;
ЛОТ №3 — PANASONIC факс аппарати — 58 дона;
ЛОТ №4 — Модем тури F-MODEM U.S. ROBOTICS 56K EXTERNAL №5630, №5633; FAX-MODEM D-LINK (Tp-LINK) EXTERNAL 56 K V 90 VOICE DFM — 560 EL.

Танловда иштирок этишни хоҳлаганлар компьютер ва оргтехника жиҳозлари бўйича нарх варақаларини Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-«А» уй манзили (девонхона)га тақдим этишлари лозим.
Мурожаат учун телефонлар: 135-43-74, 135-48-94.

Танлов муддати — жорий йилнинг 14 апрель куни соат 18.00 гача.

2428/646

Vinlad
Сделаем жизнь спокойнее!

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

Системы охраны периметров
Навигационные системы

Geoquip WORLDWIDE

Охрана трубопроводов
Безопасность перевозок
Контроль местонахождения транспортных средств
Контроль расхода топлива

ул. Дружбы народов, 44.
Тел.: 367-97-14/15. Факс 367-00-68.
E-mail: vinlad@sarkor.uz
Web site:www.vinlad.com

ISO 9001: 2000
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,
лицензия КМ №000390 (проектирование).

2395/4738

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир ўринбосари Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 657. 28692 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни – 21.45 Топширилди — 21.50 23456